

Кредит тўлиқ қиймати

_____ %

ёзувда

Алоҳида турар жойни қуриш/ реконструкция қилиш учун ипотека кредити бериш тўғрисида

Кредит шартномаси

№20___/___

_____ ш.

«___» _____ 20__ й.

Бир томондан «Ориент Финанс» ХАТБ номидан ҳаракат қилувчи, бундан буён «Банк» деб юритилади, 20__ й №__ сонли ишончномага асосан фаолият юритувчи _____ Бошқарувчи/Бошлиқ ва иккинчи томондан _____ томонидан _____ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия ___ № _____ асосида, _____ манзилда истиқомат қиладиган, бундан буён «Қарз олувчи» деб юритиладиган _____ корхона номи тақдим этадиган ИСМ-ШАРИФИ _____ ва қарз олувчи сифатида солидар жавобгарликни зиммасига олган, _____ манзилда истиқомат қиладиган, _____ томонидан _____ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия ___ № _____ асосида, бундан буён «Биргалиқда қарз олувчи» деб юритиладиган _____ корхона номи тақдим этадиган ИСМ-ШАРИФИ _____ Мазкур шартномани (бундан буён «Шартнома» деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк қуйидаги шартларга ва миқдорга асосан Қарз олувчига пул маблағларини (кредит) бериш, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи эса олинган пул суммасини ва унинг фоизларини тўлаш мажбуриятини олади:

1.1.1. Кредит суммаси- _____ (_____) сўм.

(сўз ва рақамлар билан)

1.1.2. Кредитдан фойдаланиш муддати: _____.

1.1.3. Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси: _____;

1.1.4. Фоизларни тўлаш муддати: _____;

1.1.5. Кредитнинг мақсади ва объекти: _____

_____ -уй манзили бўйича, умумий майдони _____ кв. метр ҳажмли ер участкасида жойлашган алоҳида турар жойни қуриш/реконструкция қилиш, тасдиғи:

асосида _____ (туман, шаҳар)нинг _____ -сонли кадастр рақами остида «___» _____ йилда берилган № _____ сонли ер участкасига ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида Гувохнома.

1.1. Тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра, яшаш майдони _____ кв. метр, умумий фойдали майдони _____ кв. метр _____ қаватли _____ хонадан ташкил топган қуриладиган/реконструкция қилинадиган алоҳида турар жойнинг лойиҳа смета қиймати _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

1.2. Тақдим қилинган лойиҳа-смета ҳужжатларига кўра қуриладиган/реконструкция қилинадиган алоҳида турар жойнинг умумий смета қиймати _____ (_____) сўмни ташкил қилади.

1.3. Банкнинг кредит маблағлари қуриладиган алоҳида турар жой умумий қийматининг _____ % ёки _____ сўмни ташкил қилади.

1.4. Қарз олувчининг ўз маблағлари қуриладиган алоҳида турар жой умумий қийматининг _____ % (1-б + 2-б + 3-б) ёки _____ (_____) сўмни ташкил қилади, ундан:

(а) _____ % ёки _____ (_____) сўм бошланғич пул бадали сифатида Банкка № _____ жамғарма депозит рақамга киритилган пул воситалари;

(б) _____ % ёки _____ сўм қуриладиган алоҳида турар жойнинг қурилиш монтаж ишлари сифатида;

(в) _____ % или _____ (_____) сўм қурилиш материаллари сифатида.

2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

2.1. Мазкур шартноманинг матнида учрайдиган барча атамаларнинг таърифи, агар шартнома матнида бошқача таъриф назарда тутилмаган бўлса, Мазкур бўлимда келтириб ўтилган:

Қарз олувчи – кредит олиш мақсадида алоҳида турар жойларни қуриш/реконструкция қилиш учун зарурий ҳужжатларни тақдим қилувчи ва ариза берувчи, ҳамда тўловга лаёқатлилик бўйича малакавий талабдан ўтган жисмоний шахсдир.

Биргалиқда қарз олувчи – Мазкур шартномага кўра кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларга иштирок этувчи, ҳамда кредит бўйича солидар жавобгарликни зиммасига олувчи ва тўловга лаёқатлилик бўйича малакавий талабдан ўтган жисмоний шахсдир;

Дастлабки тўлов – Фондамент асоси қуйилган / реконструкция қилинган алоҳида турар жойнинг смета қийматидан 25%дан кам бўлмаган миқдорда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг шахсий ҳисобидан харид қилинган Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг Банкдаги омонат ҳисоб рақамидagi пул воситалари кўринишидаги ёки бажарилган қурилиш монтаж ишлари кўринишидаги ҳамда қурилиш материаллари кўринишидаги Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг шахсий воситалари.

3. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Алоҳида турар жойни реконструкция қилиш / қуриш учун кредит бериш қуйидаги тартибда қурилиш материалларини харид қилиш / қурилиш монтаж ишларини бажариш учун Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан пул кўчириш орқали нақдсиз кўринишда амалга оширилади:

а) қурилиш / реконструкция ишларининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда аванс тўловини ажратиш Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг бошланғич пул бадали ва кредит маблағлари ҳисобидан савдо ташкилотлари ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг, шунингдек, пудрат қурилиш ташкилотининг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобрақамига қурилиш пудрати/олди-сотди шартномасида белгиланган шарт ва муддатда пул ўтказиш йўли билан;

б) қурилиш/реконструкциянинг қолган смета қийматини кредитлаш аванс тўловининг мақсадли фойдаланиш жойига чиқиб (маблағдан мақсадли фойдаланиш далолатномаси ва назорат ўлчови далолатномасини тузган ҳолда) текширилгандан сўнг, бажарилган ишларнинг қиймати (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ҳисоб варақа – маълумотнома асосида ҳақиқий бажарилган ишлардан келиб чиққан ҳолда, аммо қурилиш қийматининг 95% дан кўп бўлмаган миқдорда амалга оширилади;

в) Кредитнинг миқдори 5% дан кам бўлмаган қолган қисми қонунчилик тартибда алоҳида тураржой фойдаланишга

топширилгандан ва тегишли ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилгандан кейин тўланади.

Қурилишни кредитлашнинг юқорида кўрсатилган тартиби Қарз олувчи ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида тузилган қурилиш пудрат шартномасида акс эттирилиши лозим.

3.2. Кредит қуйидагилар амалга оширилгандан сўнг берилади:

– Қарз олувчининг шахсий воситалари ҳисобидан кредитга берилган объектнинг тўлов ҳисобига Мазкур суммани кўчириш ва/ёки қурилиш материалларини харид қилишни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш ва/ёки қурилиш монтаж ишларини амалга ошириш мақсадида Қарз олувчи томонидан Банкда депозит ҳисоб рақам очиш ва _____ сўмни ташкил қиладиган кредитга берилган объектнинг қийматидан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пул маблағларини (дастлабки тўлов суммасини) ҳисоб рақамга кўчириш;

3.3. Кредитни тақдим қилишнинг ҳақиқий санаси Қарз олувчининг буйруғига кўра Банк томонидан савдо / ташкилотнинг депозит ҳисоб рақамига пул маблағларини кўчириш санасидир.

4. КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ, ФОИЗ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Кредит бўйича асосий қарз суммасини сўндириш мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган 1-сонли Иловасида келтирилган график бўйича амалга оширилади.

4.2. Ипотека кредити бўйича асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловларни Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи томонидан сўндирилиши қуйидагича амалга оширилади: (а) тўлов миқдори ҳисобига тенг бўлган иш ҳақи ҳисобидан нақдсиз шаклда пул кўчириш орқали, (б) нақд пул кiritиш орқали ва (в) Қарз олувчининг Банкдаги омонат ҳисоб рақамларидан нақдсиз шаклдаги пул маблағларини кўчириш.

4.3. Агар кредит сўндирилиши санаси банк иш кунига тўғри келмаса унинг сўндирилиши кейинги банк иш кунига қолдирилади.

4.4. Асосий қарзнинг қолдиғи фоизлари ҳар иш кун охирида 365 кунни ва ҳар ойнинг аниқ кунларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Кредит учун фоизлар кредитнинг дастлабки маблағи берилиши биланоқ ҳисобланади.

4.5. Ҳар ойнинг (_____) санасида Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банкка Асосий Келишув шартлари ва кредит шартномалари асосида кредит фоизларини тулаб боради.

4.6. Асосий қарзнинг сўндирилиши, кредит ва бошқа тўловларнинг фоизи, комиссияси Банк томонидан Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг тўлов топшириқномалари, Банкнинг тўлов талабномалари орқали ва/ёки Банк мустақил равишда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг барча ҳисоб рақамларидан кўчириши орқали амалга оширилади.

4.7. Қарз олувчининг ихтиёрига асосан Кредит шартномасининг қуйидаги шартларидан бири қайта кўриб чиқилган тақдирда Қарз олувчи Банкка бир марталик комиссия тўловини амалга оширади ёки Банк мустақил тарзда Мазкур комиссияни ечиб олади: фоиз ставкасининг ўзгариши; асосий қарзнинг ва фоизларнинг сўндирилиш графиги; гаровга қуйилган мол-мулкнинг ўзгартирилиши; қарзнинг кўчирилиши ҳолларида.

4.8. Мазкур Келишувнинг кўрсатилган шартларини кўриб чиқилиши, шунингдек тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши бир марталик комиссия тўланганидан сўнг амалга оширилади.

4.9. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи кредитни сўндириш, фоизларни ва комиссияни тўлаш борасидаги вазифаларини бажармаган ёки тегишли тарзда амал қилмаган тақдирда Банк Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг розилигисиз ва ихтиёрсиз (акцептсиз тартибда) талаб этилган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 783 моддасига асосан ечиб олиш ҳуқуқига эга. Шу тарзда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банкка мазкур Шартнома асосида ўзининг ихтиёри ва розилигисиз акцептсиз тартибда барча ҳисоб рақамларидан тегишли маблағларни ечиб олиш ҳуқуқини беради.

4.10. Мазкур Шартноманинг барча тўловлари қуйидаги сўндириш кетма кетлиги учун йўналтирилади: (а) Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчининг айби билан хосил бўлган Банк чиқимларини сўндирилиши (б) муддатидан ўтган банк комиссияси тўловлари; (в) асосий қарз фоизларининг муддатидан ўтган тўловлари; (г) асосий қарзнинг муддатидан ўтган тўловлари; (д) банк комиссиясининг муҳлатли тўловлари; (ж) асосий қарз фоизларининг муҳлатли тўловлари; (з) асосий қарзнинг муҳлатли тўловлари.

5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШНИНГ ТАЪМИНОТИ

5.1. Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи мажбуриятларини амалга оширишни таъминлашда қуйидагилар тақдим қилинади (алоҳида турар жойларнинг қурилиш / реконструкция ишлари ва тегишли қонунчилик тартибда кадастр ҳужжатларининг тўлиқ расмийлаштириш ишлари якунланганга қадар):

5.1.1. Мазкур шартноманинг бутун амал қилиш даврида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган учинчи шахс жисмоний / юридик шахс (Тўлиқ номи)нинг (келгусида матнда №1 сонли таъминот) суммага (сумма сўз билан) кафиллиги;

5.1.2. Мазкур шартноманинг бутун амал қилиш даврида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган суғурта компанияси (Тўлиқ номи)нинг (келгусида матнда №2 сонли таъминот) кредитни сўндирилмаслик таваккалчилигидан суммага 0.00 (сумма сўз билан) суғурта полиси.

5.1.3. Қуйидаги рўйхат бўйича № _____ сонли, санадаги гаров предметини келишиш қиймати Актига асосан 0.00 (сумма сўз билан) миқдордаги суммага манзилда _____ (келгусида матнда №3 сонли таъминот) жойлашган эгалик қилиш ҳуқуқи сифатида (Тўлиқ номи) кўчар / кўчмас мулкнинг гарови:

а) агар кўчмас мулк бўлса

№	Номи ва жойлашган жойи	Бино ва иншоотларнинг умумий майдони, кв.м.	Ернинг умумий майдони, кв.м.	Гаров қиймати, сўм

а) агар асбоб ускуна бўлса

№	Номи ва жойлашган жойи	Миқдори	Ишлаб чиқариш санаси	Гаров қиймати, сўм

а) агар транспорт воситаси бўлса

№	Номи	Давлат рўйхатдан ўтқазилган номери, бошқа идентификацион маълумотлар	Ишлаб чиқариш санаси	Гаров қиймати, сўм

Гаров ва кафилнинг аниқ шартлари тегишли таъминот шартларига мувофиқ аниқланади.

(Мазкур бўлимга банкнинг тасдиқланган кредит маҳсулотлари ва ички норматив ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинадиган таъминотга қараб бандлар қўшилиши ёки олиб ташланиши мумкин)

5.2. Ипотека кредити ҳисобидан кўтарилган / реконструкция қилинган алоҳида турар жой гаровга қуйилиши лозим бўлган тақдирда, алоҳида турар жойнинг қурилиш / реконструкция ишлари ва тегишли тартибда кадастр ишларини расмийлаштириш якунлангандан кейин, Қарз олувчи _____ кун давомида Мазкур гаровни расмийлаштирилиши ва тақдим этилишини таъминлаши лозим. Қарз олувчи гаров шартномасини белгиланган вақтда тақдим этмаган тақдирда гаров расмийлаштирилишининг ҳар бир кечиктирилган куни учун Гаров шартномаси тақдим этилган кунга қадар 0,01% миқдорда пеня тўлайди бунда пеня суммаси кредит миқдорининг 50% дан ошмайди.

5.3. Қарз олувчининг мажбуриятларини бажаришнинг бир нечта таъминотининг мавжудлиги бир бирига қарама қаршилик туғдирмайди, мажбуриятларни бажарилишининг ҳар бир усули мустақил равишда амалга ошади ва бир бирига боғлиқ эмас. Мажбуриятларни бажармаслиги хавфини орттирувчи қаратиш талаб этилган ҳолларда танлов ҳуқуқи Банкда қолади, ва у ўз ихтиёри билан мажбуриятлар бажарилишининг таъминот усулларида бири ёки барчасига ундирувни қаратилишини талаб қилиши мумкин.

Қарз олувчи кредит қайтарилишининг таъминоти бўйича барча ҳужжатларнинг лозим даражада расмийлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни ўз бўйига олади.

5.4. Банк талабига кўра Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидаги ҳолларда Банкни қаноатлантирадиган қўшимча таъминотни тақдим этишга мажбур: (а) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий ахволнинг ёмонлашганда, (б) қадр, қиймати ва ликвидлиги йўқолганда; бозор нархининг сезиларли даражада пасайганда; Шартнома бўйича тақдим этилаётган кредит таъминоти қисман ёки тўлиқ йўқотилганда, нархи тушганда; Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаслиги хавфини орттирувчи бошқа омилларнинг юзага келиши.

Қарз олувчи кредит таъминотини кредит маблағининг 125 (бир юз йигирма беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда сақлашга мажбурдир.

5.5. Агар Қарз олувчи мазкур шартномада белгиланган санага қадар асосий қарз, фоизлар ва/ёки воситачилик ҳақи тўловини амалга оширишга лаёқатли бўлмайдиган бирон вазият юзага келса Банк амалдаги қонунчиликга, Мазкур мазкур шартнома ва таъминот шартномасига асосан ундирувчи гаров таъминотига тўлиқ ёки қисман қаратишнинг чақириб олинмайдиган ва шартсиз ҳуқуқини қўлга киритади.

6. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:

6.1. Қуйидаги ҳолларда Қарз олувчига кредит беришни тўлиқ ёки қисман рад этиш:

– 2 (икки) ой муддат ичида кредит бериш учун (дастлабки шартларни бажармаслик) Шартномада кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилмаганда;

– Қарз олувчининг тўлов қобилиятини амалга ошира олмаслигини тан олганда;

– Шартнома имзолангандан кейин кредитни қайтаришга таъсир қиладиган ишончсиз ахборотлар аниқланганда

6.2. Мазкур шартнома бўйича мемориал ордер билан ақцептсиз тартибда тўланиши лозим бўлган суммаларни Қарз олувчининг / Биргалиқда қарз олувчининг Банкдаги барча ҳисобрақамларидан, пластик карталаридан ва бошқа банкдаги ҳисоб рақамларидан, ҳамда исталган валюта ҳисоб рақамларидан Марказий банкнинг валютани сотиш курси бўйича конвертация қилган ва Банкнинг амалдаги таърифлари бўйича конвертация учун воситачилик ҳақини ушлаб қолган ҳолда ечиб олиш;

6.3. Кредитдан мақсадли фойдаланиш, ипотека кредитини сўндириш ва унинг фоизларини тўлаш, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий ҳолати, харид қилинган турар жой ва бошқа мулкнинг ҳолати ва ипотеканинг ноқонуний бегоналашиши ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш.

Алоҳида турар жойнинг қурилиш/реконструкция ишлари бўйича кредит ҳисобидан бажарилган ишларни назорат ўлчоқини амалга ошириш.

6.4. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда, бундай вазият ва ҳолатларнинг жиддийлигидан келиб чиққан ҳолда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги чоралардан бирини қўллайдди:

а) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчига белгиланган муддатда мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги тўғрисида ва бундай вазиятларни олдидини олиш ва бартараф этиш учун ёзма талабнома (шикоят) юбориш;

б) Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилиши учун қўшимча таъминотини талаб қилиш;

в) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчидан Мазкур Шартномада кўрсатилган тартибда жами кредитни ёки унинг қисмини қайтаришни талаб қилиш;

г) Қонунчиликда, мазкур шартнома ва таъминот шартномаларида назарда тутилган тартибда ундирувни кредит таъминотига ва/ёки Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2002 №422 сонли Қарорига мувофиқ Қарз олувчининг бошқа ликвид мулкига қаратиш;

д) Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ундирувни Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг иш ҳақиға қаратиш;

е) Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчини тўловга лаёқатли эмаслиги ҳақида маълумотни нашрларда босиб чиқариш билан эълон қилиш.

ж) Амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда Банкнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда кредит Қарз олувчилигини қайтариш учун барча зарурий ва етарли чораларни кўриш. Бу борада Банк томонидан қилинган барча харажатлар Қарз олувчи ҳисобидан қопланади.

з) Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги ва Мазкур Шартномага асосан бошқа исталган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

7. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:

7.1. Мазкур Шартномага мувофиқ Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан кредит маблағларини олишининг дастлабки шартлари бажарилган тақдирда Ушбу Шартномада назарда тутилган шартларда, муддатда ва миқдорда кредит бериш;

7.2. Олинган кредит ҳисоб-китобини юритиш учун Қарз олувчи номига алоҳида ҳисоб рақам очиш;

7.3. Қарз олувчининг ёзма талабига мувофиқ кредитга тааллуқли маълумотларни тақдим қилиш;

7.4. Банк томонидан кредитни муддатидан олдин ундирилишининг исбот ва сабаблари ҳақида Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчига маълум қилиш;

7.5. Кредит ва ҳисоб китоб масалалари бўйича Банкнинг норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида ва ички норматив ҳужжатларида ўзгартиришлар тўғрисида Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчини хабардор қилиш;

7.6. Қарз олувчиликни муддатдан олдин ундиришга қадар 5 (беш) банк иш кунидан кеч бўлмаган муддатда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчини кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириш тўғрисида хабар бериш лозим;

8. ҚАРЗ ОЛУВЧИ / БИРГАЛИҚДА ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Мазкур Шартнома бўйича олинган кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш;

8.2. Ипотека кредитининг амалдаги шартлари билан танишиш;

8.3. Ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни, жумладан ипотека кредитини тақдим қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўғрисида маълумотлар олиш;

8.4. Банкдан Мазкур шартноманин шартларини бажаришни талаб қиладди;

8.5. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки нотўғри бажариш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплашни Банкдан талаб қилиш;

8.6. Кредитнинг асосий қарз суммаси қолдиғи бўйича ҳисоб рақамдан кўчирма, кредит бўйича тўланган фоизлар, воситачилик ҳақи тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этилиши талаб этиш.

8.7. Банкдан қўшимча кредитлар олиш ва бошқа кредит битимларини амалга ошириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш.

9. ҚАРЗ ОЛУВЧИ / БИРГАЛИҚДА ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидаги мажбуриятларга эга:

9.1. Кредитни мақсадли ишлатишни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш билан бирга Мазкур Шартномада кўзда тутилган мақсадларда кредитдан фойдаланиш;

9.2. Кредитни сўндириш жадвалига мувофиқ (мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловаси) кредитни қайтаришни таъминлаш ва Мазкур Шартнома бўйича фоиз ва бошқа тўловлар тўловини ўз вақтида амалга ошириш;

9.3. Сўндириш жадвалида (мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловаси) кўрсатилган санадан кеч бўлмаган муддатларда, ушбу шартноманинг Шартларига кўра кредит суммасини, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловларини ва тўланиши керак бўлган бошқа тўловларни сўндириш учун талаб қилинган депозит ҳисобрақамида зарурий пул суммаси мавжудлигини таъминлаш.

9.4. Мазкур Шартнома бўйича кредитни ўз вақтида ва тўлиқ сўндириш ва фоизларни тўлашга, ҳамда Қарз олувчининг бошқа мажбуриятларини лозим даражада бажаришга салбий таъсир кўрсатадиган барча шарт шароитлар бўйича Банкка ўз вақтида хабар бериш..

9.5. Мазкур Шартноманинг шартларини бажаришни қийинлаштирадиган ишларни бажармаслик.

9.6. Мазкур Шартнома бўйича кредитдан фойдаланиш пайтида Банкнинг биринчи талаби билан, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг тўловга лаёқатлигини аниқлаш ва мажбуриятларни тўғри бажариш учун керакли ҳужжатлар ва ишончли маълумотларни (ишлаётганлиги, иш ҳақи ва бошқалар тўғрисида маълумотнома) Банкка тақдим қилиш.

9.7. Ўзининг яшаш жойи ва / ёки иш жойини ўзгартирганлиги тўғрисида бундай ўзгаришлар юз бериши мумкин бўлган санасга қадар 5 (беш) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда куриш/реконструкция ёзма равишда хабар бериш.

9.8. Банкнинг биринчи талаби билан Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва лозим даражада бажармаганлик оқибатида Банк томонидан юзага келадиган барча харажатларни қоплаш.

9.9. Ойлик даромадларнинг камайиш ҳоллари кузатилганда бундай вазиятларнинг содир бўлиш пайтидан бошлаб уч кун ичида, кутиладиган ойлик даромадлар бўйича маълумотларни тақдим қилиб бу ҳақида Банкка хабар бериш керак.

9.10. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахслар олдида муҳим мажбуриятларни олмаслик, яъни мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа кредиторлардан кредитлар олмаслик ва бошқа шахсларга қарз бермаслик, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил бўлиш.

9.11. Банкнинг сўровномаси бўйича гаровга олинган мулк ва Мазкур шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи мажбуриятларини бажариш ва кредит билан боғлиқ бўлган бошқа мулкларни келиб кўриш ва кўздан кечириш имкониятларини Банк ходимларига бериш.

10. ШАҲОДАТЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ

10.1. Томонлар Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредитнинг қайтарилиш тартиби, фоиз ва комиссияларнинг миқдори ва тўлаш тартиб ва бошқалар) икки томоннинг розилиги асосида келишилганини ва уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини чекламаганлигини тасдиқлайдилар. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи ўз хоҳиши билан имзоланган ва ўрганиб чиқилган Шартноманинг фоиз, комиссия ва бошқа тўловларини ўрганиб чиқиб ўз розилиги, Шартноманинг ҳуқуқий оқибатларини тушунган ҳолда имзолаган.

Томонлар шартноманинг матни билан танишиб чиққанликларини, шартноманинг шартлари ва Шартнома ёзилган тил тушунарли эканлигини тасдиқлайдилар ва Мазкур Шартноманинг томонлар томонидан имзоланганлиги шикоятлар мавжуд эмаслигини тасдиқлайдилар.

10.2. Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидагиларни тасдиқлаб маълум қилади:

- Мазкур шартномани расмийлаштириш учун Банкка тақдим қилинган / тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим қилинган санада улар ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;
- амалий ва шартли мажбуриятларга эга эмас, жумладан учинчи шахс фойдасига берилган кафиллик;
- Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва бу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

10.3. Ушбу билан Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи қуйидаги ишларни амалга оширишга Банкка чақириб олинмайдиган ва шартсиз ҳуқуқ ва розилик беради:

– Банк томонидан шартнома шартлари билан боғлиқ маълумотларни кредит тарихини миллий институтига ва / ёки Банклараро кредит бюросига тақдим қилиш;

– Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг телефон рақамларига телефон кўнғироқларини амалга ошириш, Банкка маълум бўлган Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг манзилларига (реквизитларига), ҳамда Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг турмуш ўртоғига, иш берувчисига хатлар, электрон ва SMS хабарлар юбориш;

– Мазкур Шартнома бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи, унинг турмуш ўртоғи, ҳамда унинг қариндошлари, Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг иш берувчиси билан музокаралар (учрашувлар) олиб бориш;

– Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг даромади тўғрисида иш берувчидан маълумотларни талаб қилиш, кредит Қарз олувчилигини сўндириш учун Қарз олувчига тегишли бўлган пул маблағларини (ойлик иш ҳақи ёрдам пули ва ҳоказолар) йўналтиришни талаб қилиш билан иш берувчига мурожаат қилиш.

Бунда, юқоридаги ишларнинг Банк томонидан амалга оширилиши банк сирини фож қилиш ҳисобланмайди.

11. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ

11.1. Мазкур бандда келтирилган ҳодисалардан исталган бири мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари саналади:

- а) кредит воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш;
- б) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи Мазкур Шартномада ўрнатилган санада, Сўндириш жадвалида (Мазкур Шартноманинг № иловаси), ҳамда Мазкур Шартномада назарда тутилган бошқа шартларда кредит, фоиз ва / ёки тўловларни амалга ошира олмас;
- в) Ишончсиз ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилиш орқали Банкни атайин чалғитиш;
- г) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчи томонидан Банкка берилган кредит бўйича исталган таъминот ўзининг қийматини тўлиқ ёки қисман йўқотса ёки ҳақиқий бўлмай қолса;
- д) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчининг молиявий аҳволининг ёмонлашуви ёки Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармасликка олиб келувчи аниқ маълумотларни яшириш;
- ж) Қарз олувчи/Биргалиқда қарз олувчини Банк олдидаги мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа ҳодисалар;

з) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган Мазкур Шартноманинг бошқа шартларини бузиш;
и) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган Мазкур Шартнома билан боғлиқ (гаров, кафиллик, суғурта ва бошқалар) бошқа шартнома шартларининг бузилиши.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

12.1. Мазкур Шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини бажармаслик ёки нотўғри бажариш ҳолларида, бир томон бошқа томонга келтирилган зарарларни қоплайди ва қонунчилик актлари ва Мазкур Шартномада келтирилган тартибда бошқа масълиятни ўз зиммасига олади.

12.2. Кредитнинг асосий қарзини қайтариш муддати бузилган ҳолларда, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банкка кредитдан фойдаланишнинг кечиктирилган жами муддати учун ўрнатилган фоизлардан _____ баробар юқори фоиз тўлайди..

12.3. Белгиланган муддатда фоизлар тўланмаган тақдирда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи қуриш/реконструкция кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун _____% миқдориди пеня тўлайди, бунда пеня миқдори кечиктирилган тўловнинг _____% идан ошмайди.

12.4. Белгиланган муддатда кредит берилмаган тақдирда, Банк Қарз олувчига кредит бериш кечиктирилишининг ҳар бир куни учун берилмаган кредит суммасининг _____% миқдориди пеня тўлайди, бунда пеня миқдори берилмаган кредит суммасининг _____% идан ошмайди.

12.5. Кредит маблағларидан мақсадсиз ишлатилаётганлиги аниқлаган тақдирда Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банга мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 50 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

12.6. Жариманинг тўлови ва зараларни қоплаш қонунчилик ёки Мазкур шартномасида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари тегишли тартибда мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

12.7. Кредит объектининг сотиб олиш – сотиш битимлари ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Банк олдида Банкка келтирилган харарлари ва харажатлари миқдориди тўлиқ мажбуриятни ўз зиммасига олади, бундай вазиятда қонунчилик, Мазкур Шартнома ва таъминот шартномасида назарда тутилган тартибда Банк кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириш, Мазкур шартномани бекор қилиш ва Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчидан талаб қилинадиган суммани ечиб олиш ҳамда ундириш ҳуқуқига эга.

12.8. Шартноманинг Мазкур бўлимида кўзда тутилган Банк томонидан жавобгарлик чораларини қўллаш Банкнинг истисно ҳуқуқи ҳисобланади ва Банкнинг мажбуриятига кирмайди. Банк ўзининг хохишига кўра Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчига нисбатан Мазкур Шартнома бўйича ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларнинг исталган биридан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Банк томонидан Мазкур ҳуқуқларнинг қўлланилмаслиги ёки қисман қўлланилиши Мазкур ҳуқуқларни рад этишни аниқламайди ва улар исталган вақтда улардан фойдаланиш мумкин.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

13.1. Мазкур Мазкур Шартнома билан боғлиқ келишмовчилик ва тушунмовчиликлар музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг тегишли (шаҳар/туман) судида кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда Мазкур Шартнома бўйича барча банк ҳужжат ва кўчирмалари иккала томоннинг асосий (prima facie) исботи ҳисобланади.

14. АНТИКОРРУПЦИОН ШАРТЛАР

14.1. Шартнома асосидаги мажбуриятларни амалга оширишда томонлар қонунга зид ҳақ-ҳуқуқни ва бошқа фойдани олиш мақсадида бирон бир шахсга унинг ҳатти-ҳаракати ва қарорига бевосита ва ёки билвосита таъсир қилуш учун бирон бир пул маблағларнинг ёки бошқа қимматликларнинг тўланишини талаб, таклиф қилмайдилар ва бунга рухсат беришмайди.

14.2. Шартнома асосидаги мажбуриятларни бажаришда томонлар қонунчиликка мувофиқ пора бериш/пора олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш/хизматчини пора эвазига оғдириш каби таснифланадиган ҳатти-ҳаракатларни, шунингдек қўлланиладиган қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмга қарши курашишга доир халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

14.3. Шартноманинг ҳар бир Тарафи бошқа Тарафнинг ходимларини рағбатлантиришдан, шу жумладан ходимларга пул маблағлари, совғалар бериш ва улар учун текин ишлар (хизматлар)ни бажариш ва бошқа йўллар орқали уларни маълум бир тобеликка олиб келиши мумкин бўлган ва рағбатлантирувчи томоннинг фойдасига ходимлар бирор бир ҳатти-ҳаракатларни бажаришларини таъминлашга қаратилган ҳаракатлардан воз кечадилар.

14.4. Тарафларда ҳар кандай коррупцияга қарши шартлар бузилганлиги ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан шубҳа турилганда, тегишли тараф ёзма равишда ёки ишонч телефони орқали оғзаки тарзда бошқа тарафни хабардор қилади.

15. БОШҚА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур Шартнома томонлар томонидан имзоланган кунидан кучга кириб Банк ва Қарз олувчи Биргаликда қарз олувчининг барча ўз бўйича олган мажбуриятларининг бажарилишига қадар амалга оширилади. Кредит бериш бўйича Банкнинг мажбурияти Қарз олувчи томонидан ҳужжатлар тақдим қилинганидан ва Мазкур Шартномада кўрсатилган дастлабки шартлар бажарилгандан кейин кучга киради.

15.2. Қарз олувчи ипотека кредитидан фойдаланмаган ҳолларда, Банк Қарздорни ёзма равишда хабардор қилиш орқали Шартнома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) ой ичида Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

15.3. Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи Мазкур Шартнома бўйича Банкнинг ёзма рухсатсиз ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

15.4. Агар Мазкур Шартноманинг бир ёки бир неча шартлари қонун ёки суд қарори доирасида ҳақиқий эмас деб топилса, бу Шартноманинг бошқа шартларини ҳаракатдан тўхтатишга сабаб бўла олмайди.

15.5. Мазкур Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилганда ва томонлар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади. Шартнома доирасида тузилган барча Кредит шартномалари ва уларнинг иловалари, ўзгартириш ва қўшимчалари унинг асосий қисми деб ҳисобланади.

15.6. Мазкур Шартномада кўрсатилмаган вазиятлар вужудга келганда иккала томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосланиб фаолият олиб боришади.

15.7. Мазкур Шартнома томонларнинг хохишига кўра 3 (уч) нусхада тузилган бўлиб, бир нусхаси Қарз олувчи/Биргаликда қарз олувчи учун ва бир нусхаси Банк учун, бир хил юридик кучга эга.

16. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БАНК:

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

«Ориент Финанс» ХАТБнинг

ИСМ-ШАРИФИ: _____

филиали

Манзил: _____

Манзил: _____

х/с _____

Паспорт маълумотлари _____

МФО: _____
СТИР: _____
ОКЭД: _____
Телефон: _____; Факс: _____;

Бошқарувчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош ҳисобчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош юрист маслаҳатчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Манзил: _____

Паспорт маълумотлари _____

СТИР: _____
Телефон: _____

ИСМ-ШАРИФИ: _____

Ссуда ҳисоб рақами: _____

МФО: _____

СТИР: _____

Телефон: _____

ИСМ-ШАРИФИ: _____

Ипотека кредити бўйича асосий қарзни Сўндириш жадвали:

№	Тўлов санаси	Сўндириш суммаси
1	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
2	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
3	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм
Жами		0,00 (____сумма сўз билан ____) сўм

БАНК:
_____ «Ориент Финанс» ХАТБнинг
филиали

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бошқарувчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош ҳисобчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

Бош юрист маслаҳатчи:
ИСМ-ШАРИФИ: _____

БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИ:
ИСМ-ШАРИФИ: _____
